3 **ПОЛВОННИНГ БАХТИ**

*Ҳақберди отани нафақат полвон, балки 240 нафар курашчи ҳақида маълумот тўплаган ижодкор сифатида ҳам эъзозлашади*



4



**ЖАМИЯТ, ЁШЛАР ВА МАТБУОТ**

*Мамлакатимиздаги янгиланишлар, ислоҳотлар самараларини ёритиш, кенг оммага етказиш, шунингдек, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.*

5 **ҚУЁШ ҚЎРИДАН ЁЛҚИНЛАНГАН ЮРАКЛАР**

*«Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темирйўл қурилишида*




КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Нашр индекси - 131

# ЖАМИЯТ

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

Газетанинг чакана савдода белгиланган нархи — 190 сўм

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА www.jamiyatgzt.uz 2007 йил 29 июнь № 26 (39)


*2 июль — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасдиқланган кун*

# ФАХРУ ҒУРУРИМИЗ ТИМСОЛИ




*Ҳар бир мустақил давлатнинг ўз байроғи, мадҳияси, Конституцияси каби давлат рамзлари бўлади. Давлат герби ҳам ана шундай муқаддас тимсоллар сирасига киради. Истиқлол шарофати билан, аниқроғи, 1992 йил 2 июлда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги қонун эълон қилинди ва Давлат герби тасдиқланди.*

*Мамлакатимизнинг Давлат герби истиқлолимизни, бугунги бунёдкорликка йўғрилган замонамизни, нурли келажагимизни шаҳодати, ишонч муҳри, борлигимиз, кучу қудратимиз, истеъдодимиз, салоҳиятимизни тасдиқлаб берувчи олий тамғадир. У Ўзбекистонимизнинг — ҳар бир ватандошимизнинг фахри, ор-номуси, шараф-шонини ифодалайдиган расмий, ҳуқуқий, дахлсиз муқаддас белгисидир.*

## ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

- ***Тошкент шаҳрида тўрт кун давом этган ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами — «Универсиада-2007» ўйинлари 24 июнь куни ниҳоясига етди. Биринчи ўрин Тошкент шаҳри, иккинчи ўрин Наманган, учинчи ўрин Самарқанд вилояти вакилларига насиб этди. «Универсиада» спорт ўйинлари байроғини навбатдаги мезбон — Андижон вилояти талаба — спортчилари қабул қилиб олдилар.***

- Мамлакатимизга ташриф буюрган Афғонистон Ислом Республикаси энергетика ва сув ресурслари вазири Муҳаммад Исмоилхон раҳбарлигидаги делегация аъзолари 26 июнь куни «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси раиси билан учрашди. Мулоқот чоғида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, икки томон учун фойдали лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятларига доир масалалар муҳокама қилинди.

- ***Мамлакатимизга ташриф буюрган Германия Федератив Республикасининг «Фиедендорф Интернейшнл» халқаро хайрия ташкилоти раҳбари Рональд Гегенфуртнер бошчилигидаги делегация аъзолари 26 июнь куни Сурхондарё вилоятида ногирон ва бемор болаларни тиббий кўрикдан ўтказди.***

- 28 июнь куни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Эрбас Индастри» халқаро консорсиуми билан олтита ўрта магистрал А-320-200 самолётларини сотиб олиш тўғрисида шартнома имзолади. Ўзбек ҳаво кемалари дунёнинг 40 дан ортиқ шаҳрига парвозларни амалга оширади. 24 мамлакатда «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг ваколатхоналари очилган, ўнлаб компания ва фирмалар у билан ҳамкорлик қилмоқда. Ҳар куни ўнлаб рейслар бажарилмоқда, йилига 2 миллионга яқин йўловчи ташилмоқда.


«Жамият» газетасига йилнинг иккинчи ярми учун обуна давом этмоқда. Обуна «Ўзбекистон почтаси» АЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида қабул қилинади.

***Инсон бу дунёда қанчадан-қанча неъматлардан баҳраманд бўлиб яшайди. Ҳар бирининг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Лекин она-юрт меҳри, Ватан муҳаббати ана шу неъматлар ичида алоҳида ажралиб туради.***

## СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТИ:

# ИНСОННИНГ ҲАЁТИ, ҚАДР-ҚИММАТИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

МУСТАҚИЛЛИК йилларида биз ўз Ватанимизни қайтадан топдик, уни янгитдан кашф қилдик. Ватанимиз тимсолида олис ва яқин тарихимизни, миллий қадриятларимизни, ўзлигимизни, аждодларимизни танидик, биз аслида ким, қандай улуғ зотларнинг авлоди эканимизни чуқур ҳис этиб, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай, бошимизни баланд кўтариб яшайдиган бўлдик.

Юртимизда тарихан қисқа муддатда қанчадан-қанча ишлар амалга оширилди. Шулар қаторида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш бўйича қилинаётган амалий чора-тадбирлар айниқса қувонарлидир.

Ўзбекистонда мамлакатни модернизация қилиш, давлат ва жамият ҳаётини янгилаш ва демократлаштириш бўйича изчил равишда ислоҳотлар олиб борилмоқда.

2008 йилнинг 1 январидан эътиборан ўлим жазосини бекор қилиш, шунингдек, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш мазкур босқичда суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштиришга қаратилган муҳим қадам бўлди.

Давлатимиз раҳбари Фармонлари билан қўйилган бу вазифаларни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос яратилмоқда. Масалан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан мамлакатимиз тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари муҳокама этилиб, қабул қилинди ҳамда улар Сенат муҳокамасига юборилган эди.

Сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирок этган қонун лойиҳаларини моддама-модда муҳокама қилиш жараёнида қайд этилдики, жиноят, жиноят-процессуал қонунчиликнинг изчиллик билан босқичма-босқич эркинлаштирилиши давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳбарлиги остида амалга оширилаётган мамлакат суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш концепциясига мувофиқ олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим натижасидир.



***2008 йилнинг 1 январидан эътиборан ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш мустақил мамлакатимизнинг инсонпарварлик тамойилларига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, инсон ҳаёти, қадр-қимматини кафолатлаш борасидаги сиёсатининг яна бир ёрқин тасдиғидир.***

27 июнь куни парламент юқори палатасининг қўмиталарида Сенатнинг бугун очиладиган ўнинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритиш мўлжалланган масалаларга бағишланган мажлислари бўлиб ўтди.

Муҳокама жараёнида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йил 1 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси да ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ҳамда 2005 йил 8 августда қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонларига мувофиқ тайёрланган мазкур қонунлар жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини босқичма-босқич либераллаштириш ишида, шунингдек, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим босқич эканлигини таъкидладилар. Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши мустақил Ўзбекистоннинг инсонпарварлик принципларига содиқ эканлиги, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига оғишмай риоя қилинаётганлигининг яна бир тасдиғидир. Қонунга мувофиқ Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижро кодексларига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади. Хусусан, ўлим жазоси жиноий жазо сифатида Жиноят кодексининг жазолар тизими ва ўта оғир жиноятлар таснифидан чиқариб ташланади ҳамда умрбод қамоқ жазоси билан алмаштирилади. Қонун умрбод қамоқ жазоси фақатгина оғирлаштирувчи вазиятларда онгли равишда қотиллик содир этганлик (Жиноят кодекси, 97-модданинг 2-қисми) ва терроризм (Жиноят кодекси, 155-модданинг 3-қисми) учун жорий этилишини белгилаб беради. Шу билан бирга мазкур жазо тури ва уни ўташ шартлари тартиби ҳам белгиланмоқда. Умрбод қамоқ жазосининг эҳтимолий муқобили сифатида озодликдан узоқ муддатга маҳрум этиш тушунчаси ҳам киритилмоқда.

Жиноят ва жазо тизимида умрбод қамоқ жазосининг киритилиши муносабати билан Жиноят-ижро кодексининг V бўлими янги таҳрирда баён этилмоқда. Унда умрбод қамоқ жазоси кўринишидаги жазони ўташ, ижро этиш шартлари ва тартиби, шунингдек, умрбод қамоқ жазосига маҳкум этилганлар меҳнатини ташкил этиш, интизом ва рағбатлантириш чоралари белгиланмоқда.

«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун Жиноят-процессуал кодексга, шунингдек, «Судлар тўғрисида»ги ва «Прокуратура тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни кўзда тутади.

Жиноят-процессуал кодексида ҳеч ким суд қарорисиз қамоққа олиниши ёки бошқача ҳолатда ҳибсда сақланиши мумкин эмаслиги аниқ-равшан белгилаб берилмоқда. Бунда қамоққа олиш кўринишидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби ҳам белгиланган. Масалан, дастлабки тергов давомида прокурор ёки прокурор розилиги билан терговчи гумондор ёки қамоққа олиниш учун айбланаётган шахсга нисбатан эҳтиёт чораси қўллаш тўғрисида тақдимнома киритиш бўйича қарор чиқаради ва уларни тегишли материаллар билан судга жўнатади. Шахсни қамоққа олиш кўринишидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги тақдимнома жиноий ишлар бўйича туман (шаҳар) суди, ҳудудий округ ҳарбий суди судьялари томонидан якка ҳолда кўриб чиқилади. Мазкур эҳтиёт чорасини белгилаш тўғрисидаги масала эса прокурор, гумондор, айбланувчи ва ҳимоячи иштирокида кўриб чиқилади.

Судья тақдимномани кўриб чиқиб, қамоққа олиш кўринишидаги эҳтиёт чорасини қўллаши ёки ундан воз кечиши мумкин. Бундан ташқари, суднинг қамоққа олиш кўринишидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорига шикоят келтириш ва эътирознома тартиби белгилаб берилган.

Мазкур қонунларни муҳокама этиш давомида 2008 йилнинг 1 январидан эътиборан ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш мустақил мамлакатимизнинг инсонпарварлик тамойилларига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, инсон ҳаёти, қадр-қимматини кафолатлаш борасидаги сиёсатининг ёрқин исботи дейиш мумкин. Бу эса демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишда судлар ролини кучайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, мазкур тарихий қарорни амалга ошириш мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этган демократик андозаларни жорий этишда ўзига хос босқич бўлади. Демак, тегишли қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мантиқий давоми ва шубҳасиз, жамиятимизда эзгулик, олижаноблик ва инсонпарварлик муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатларимизнинг яна бир бор тасдиғидир.

*Сурхондарёликлар кураш ва спортга ошуфта халқ эмасми, полвон зоти борки, барини бирма-бир санаб беришади. Айниқса, ўтган асрнинг 50-йилларида воҳанинг Бўрон полвон, Холмурод полвон, Юнус полвон каби машҳур курашчилари билан тенгма-тенг олишган, кураги ерга тегмаган Ҳақберди отани нафақат полвон, балки элнинг 240 нафар полвонлари ҳақида маълумот тўплаган ижодкор сифатида ҳам ҳурмат қилишади.*



# ПОЛВОННИНГ БАХТИ

**Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,**
**«Жамият» мухбири**

ОТАХОН полвонлик «кўчасига» кирган илк дамларини шундай эслайди: «Биласиз, азалдан қишлоқларимизда тўйлар курашсиз ўтмайди. Айниқса, бундай давралар томошабинлар билан тўлиб, энг машҳур полвонлар кураш тушишади. У пайтлар мен бир жуссаси кичиккина, полвонлик ҳадисини энди олаётган бир ўспирин эдим. Қўшни қишлоқда катта кураш бўлди. Мана ман деган полвонлар давра тўрини эгаллаган. Шунда бизнинг қишлоқ полвонлари бирин-кетин енгилиб қолса бўладими?.. Ғолиб полвон нақ 120 кг. тош босади. Менга ўхшаганни бир кўтаришда ерпарчин қилиши аниқ. Ориятим, ор-номусим қўзиди. Вужудимда енгилмас куч сездим. Даврага чиққанимни биламан, оломон қийқириб юборди. Шу курашда мен кўпчиликнинг фикрини ўзгартириб юбордим. Ўнғай келиши ҳамоноқ, рақиб полвонга чиройли чил бериб, устига ўзимни ташладим. Томошабинлар менинг ғалабамдан ҳайқириб юборишди».

Ҳақберди полвон Кураш бўйича 5 карра Ўзбекистон чемпиони, фахрийлар ўртасида жаҳон чемпиони ҳозир 82 ёшни қаршилаган бўлса-да, ҳали кексаликни бўйнига олмаган. Навқирон йигитлик йиллари вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси раҳбари, мактаб директори, ўқув ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи лавозимларида ишлаган Ҳақберди ота нафақага чиққач, кураш оламига қайтди. Кураш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатларининг барчасида иштирок этди. Ҳатто 2001 йил Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган 3-жаҳон чемпионатида фахрийлар ўртасида ғолибликни қўлга киритди.

— Будапештдаги мусобақаларни якунлаб, қайтишда Туркиянинг Истамбул шаҳрида тўхтадик, — дейди сўзини давом эттириб ота. — Самолёт учишига ҳали 8 соат вақт борлиги боис курашимиз мутасаддилари билан суҳбат қуриш имконияти туғилди. Шунда анчадан бери ҳаёлимда пишитиб юрган фикримни, яъни кураш клуби ташкил этиш ниятим борлигини айтдим. Улар фикримни қўллаб-қувватлашди.

Шу тариқа 2002 йил февраль ойида Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида Ҳақберди отанинг ташаббуси ҳамда туман ҳокимлиги, Ўзбекистон либерал демократик партияси, Халқ демократик партияси туман кенгашларининг бевосита ёрдамлари билан «Ҳақберди Норбой ўғли» кураш клубига асос солинди. Дастлаб клубга 25-30 нафар болалар шуғулланишга кела бошлашди. Қизлар деярли йўқ эди. Аста-секин клуб эл оғзига тушди. Халқ ичида «Эшитдингларми, Ҳақберди бобо кураш клуби очибди, шароитлари яхши эмиш, у ерда шуғулланган болалар давранинг олди экан» деган гаплар тарқалди. Тез орада клуб аъзолари сони оша бориб, айни пайтда 193 нафарга етди. Жами 12 та гуруҳ — 4 та тайёрлов, 2 та ўқув, спорт малакасини ошириш гуруҳи, 2 та қизлар гуруҳи ва қўшимча 3 та бадиий гимнастика гуруҳида машғулотлар мунтазам олиб борилмоқда.

Клуб аъзолари ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш билан бир қаторда мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаш учун ҳам астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Албатта, бунинг учун кўп меҳнат талаб қилинади, икки-уч йил сабот ва чидам билан олға интилиш керак. Айтиш жоизки, катта-кичик давраларда суяги қота борган ёш курашчилар илк йирик мусобақа гаштини пойтахтда татиб кўришди. 2005 йил Тошкент Давлат циркида Ҳиндистоннинг марҳум Бош вазири Лаъл Баҳодир Шастри хотирасига бағишланиб ўтказилган турнирда «Ҳақберди Норбой ўғли» кураш клубининг 5 нафар аъзоси орасида Нуриддин Ортиқов, Улуғбек Норбоев каби қобилиятли ёш полвонлар совриндорлар сафидан жой олишди. 2006 йилда ҳам клуб аъзолари қатор мусобақаларда иштирок этишди. Хусусан, Гулистон шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон хотирасига бағишланган турнирда ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишди, Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида бўлиб ўтган республика биринчилигида ҳам 2-3 ўринларни забт этишди. Ҳа, тинимсиз изланишлар, машғулотлар ўз самарасини бера бошлади. Энди Ҳақберди ота шогирдлари энг нуфузли мусобақа — Ўзбекисон Республикаси Президенти соврини учун VIII Ал-Ҳаким Ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнир ва аёллар ўртасида 1-жаҳон чемпионатида иштирок этиш бахтига муяссар бўлдилар. Фахриддин Худоёров, Илҳом Холмирзаев, Соат Бердиалиев, Рўзихон Баротова, Манзура Турсунова сингари ўғил-қизлар дунёнинг энг сара курашчилари билан бир қаторда гиламга чиқиб, маҳоратларини намойиш этдилар.

— Кураш клубимиз эшиги барча учун очиқ, — дейди сўзини давом эттириб Ҳақберди ота. — Вилоятимизнинг қайси туманидан бўлмасин, 14 ёшгача бўлган ўғил-қизларни қабул қиламиз. Кўпроқ эътиборни кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ва ота-онасиз болаларга қаратганмиз.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси аъзоси бўлган «Ҳақберди Норбой ўғли» кураш клуби ўз лойиҳалари билан Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-кувватлаш фондининг танловларида иштирок этиб, дастлабки турда «Куч — билим ва тафаккурда» деб номланган лойиҳани, иккинчи турда эса «Қизларимиз — жамиятимиз келажаги» лойиҳаларини тақдим этди. Лекин ҳар иккала лойиҳа устида ҳали жиддий ишлаш лозим эди. Ҳақберди отанинг кўнгли чўкмади, аксинча, шогирдлари билан машғулотларга астойдил берилди. Ниҳоят, Фонднинг 3-тур танловида «Эркин ва онгли меҳнат — ақл-идрок тантанасидир» лойиҳаси 4 млн. 600 минг сўмлик грантга сазовор бўлди.

Узоқ йиллар кураш тушиб, мағлубият нималигини билмаган полвонбобо шогирдларини нафақат моҳир спортчи, балки Ватанга содиқ фарзанд, эл-юрт корига ярайдиган ориятли, баркамол инсонлар бўлиб етишишини орзу қилади.

*Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси аъзоси бўлган «Ҳақберди Норбой ўғли» кураш клуби ўз лойиҳалари билан Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фондининг танловларида иштирок этиб, 3-тур танловида «Эркин ва онгли меҳнат — ақл-идрок тантанасидир» лойиҳаси 4 млн. 600 минг сўмлик грантга сазовор бўлди.*

*Узоқ йиллар кураш тушиб, мағлубият нималигини билмаган полвонбобо шогирдларини нафақат моҳир спортчи, балки Ватанга содиқ фарзанд, эл-юрт корига ярайдиган ориятли, баркамол инсонлар бўлиб етишишини орзу қилади.*

---

# ПАРВОЗГА ШАЙЛАНГАН ЁШЛИК

***Ҳозирги кунда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслар маркази атрофида 500 нафарга яқин ёшлар ўзлари ташкил этган «Маданият ва санъат», «Ёшлар ахборот маркази», «Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш», «Ахборот технологиялари», «Интеллектуал клублар ассоциацияси» ва «Таълим» каби йўналишларда ўз қизиқишлари бўйича бирлашиб, янги лойиҳалар устида иш олиб бормоқдалар. Республикамиз бўйлаб «Келажак овози» ёшлар ташаббуслар марказининг жойларда бўлимлари тузилган бўлиб, уларнинг аъзолари 5000 нафардан ошиб кетди.***

**Шокиржон ИСОҚОВ,**
**«Жамият» мухбири**

ЁШЛАРНИНГ интеллектуал салоҳияти, дунёқараши, онги ва билимини намоён этишда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслар марказининг «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр нури» жамғармалари билан ҳамкорликда олиб бораётган хайрли ишлари диққатга сазовордир. Айниқса, 17-24 июнь кунлари республикамиз бўйлаб «Биз — бир жамоамиз» номли ёшлар хайрия тадбирининг ўтказилиши минг-минглаб ўғил-қизларнинг айни дилидаги иш бўлди.

Мазкур тадбирлар учун «Келажак овози» ёшлар ташаббуслар маркази томонидан 50 нафардан зиёд фаол ёшлар ҳамда жамғармаларнинг ходимларидан шунингдек, бу ташаббусдан четда қолишни истамаган таниқли санъаткорлардан иборат учта махсус гуруҳ тузилиб, улар — Фарғона, Андижон, Наманган, Қўқон йўналишида, Гулистон, Жиззах, Самарқанд, Қарши, Термиз ҳамда Навоий, Бухоро, Урганч, Нукус йўналишларида ўз хайрия тадбирларини ташкил этишди.

Хусусан, Наманган шаҳрида ўтказилган тадбирларда Наманган Давлат университети, Муҳандислик-иқтисодиёт институти, Муҳандислик-педагогика институти талабалари иштирок этдилар.

— «Келажак овози» ёшлар ташаббуслар маркази ташкил этилганига эндигина бир йилдан ошган бўлса-да, ўқувчи ва талаба ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ва илмий лойиҳаларига кўмаклашиш, ёшларнинг энг долзарб ташаббусларини ҳаётга тадбиқ этиш, ёшлар форумлари, акциялар, талабалар учун ўқув-семинар машғулотларини ташкил этиш каби асосий мақсадимизни босқичма-босқич амалга ошириб келаяпмиз, — дейди Марказ мувофиқлаштирувчиси Анастасия Цой. — Наманганда биз талабаларни марказ фаолияти билан яқиндан таништирдик. Энг фаол, иқтидорли йигит-қизларни ҳамкорликда ишлашга жалб этдик.

Тадбирлар бухоролик ёшларда ҳам катта таассурот қолдирди. Бухоро шаҳридаги олий ўқув юртлари талабалари касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирокида давра суҳбатлари ва интеллектуал ўйинларда ёшлар бутун маҳоратларини намоён қилдилар. Очиқ мулоқот тарзида ўтган суҳбатларда бухоролик ўғил-қизлар марказнинг серқирра фаолиятига доир мукаммал маълумотларга эга бўлиб, ҳаётда ижтимоий-сиёсий фаолликни янада ошириш борасида тенгдошлари билан фикр-мулоҳазалар алмашишди.

*«Биз мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация ва ислоҳ қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни эзгу мақсад сифатида белгилаб олган бугунги кунда оммавий ахборот воситаларимиз олдига ҳаётнинг ўзи мураккаб, шу билан бирга, ўта масъулиятли вазифаларни қўймоқда».*

Ислом КАРИМОВ

***Ўтган куни пойтахтимиздаги Ўзбек миллий академик драма театри турли вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ноширлар, фахрий журналистлар, жамоатчилик вакиллари билан гавжум бўлди.***

# ҚАЛАМ АҲЛИ ШОДИЁНАСИ

Равшан ЖУМАБОЕВ

АЙНИҚСА, оммавий ахборот воситалари тизимларида мустақиллик йиллари кўтаринки руҳда ижод қилаётган қалам аҳлининг кайфиятлари ҳар қачонгидан баланд эди. Улар бу ерга ўз устозлари, ҳамкасблари, дўст-ёрлари ва оила аъзолари билан ташриф буюриб, ўзларининг касб байрамлари — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини нишонлашга тўпландилар.

Диққатимизни меҳнат фахрийлари — кекса журналистлар Ҳайдарали Иброҳимов билан Юнус Зиёдовларнинг ўзаро суҳбати тортди.

— Оллоҳга шукр, касбимиз шундай шарафланадиган кунларга етиб келдик, — деб сўз бошлади улардан бири. — Президентимиз ташаббуси билан 27 июнь санасини матбуотчилар байрами деб эълон қилинганининг ўзиёқ зап иш бўлди...

— Тўғри айтасиз, бу катта байрам. У — газета ва журналлар, радио ва телевидение таҳририятларида, нашриётлар, матбаа корхоналари, матбуот тарқатиш идораларида хизмат қилаётган, умрини шу соҳага бағишлаган заҳматкаш, сермасъулият инсонлар байрами, — дея сўзини маъқуллади иккинчиси.

Дарвоқе, соҳа аҳлининг серқирра фаолиятига эътибор берсак, уларнинг оғир ва масъулиятли меҳнатини тасаввур қилиш, баҳолаш қийин эмас. Бугун биз, янги XXI асрнинг ўзига хос белгиси, — аломати бўлмиш — информацион «портлаш» рўй бераётган глобаллашув шароитида, ахборот коммуникациялари шиддат билан ривожланиб бораётган даврда яшаяпмиз. Илгари фараз қилиш ҳам қийин бўлган замонавий ахборот технологиялари ёрдамида дунёнинг у чеккасидан бу чеккасига яшин тезлигида воқеа-ҳодисалар тафсилотини узатиш, ҳатто рангли тасвирларни етказиб бериш ҳам оддий ҳол бўлиб қолди. Чунки, замон матбуот аҳли олдига янги ва ўта масъулиятли вазифалар қўймоқда. Замон унинг олдига воқеликни акс эттириш борасида фақат ёритувчи ва ифодаловчи бўлиб қолмасдан, аввaламбор, одамлар манфаатларининг ҳимоячиси бўлиш кераклигини ҳам уқтирмоқда.

Байрам тантанаси очилиши маросимида Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов қилган маъруза асносида биз шулар ҳақида ўйладик. Уюшма томонидан ўтказилган «Йилнинг энг фаол журналисти — 2007» танловида ғолиб чиққан ижодкорлар берган интервьюларида мамлакатни модернизация қилиш, жамиятимизни янгилаш ва демократлаштириш, халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни оммага тезкор, холис, ҳаққоний тарзда етказишда оммавий ахборот воситаларнинг ўрни ва аҳамияти бағоят салмоқли эканлиги ўз ифодасини топди.

— Ватани ва халқига садоқатли бўлиш, азалий қадриятларимизни асраб-авайлаш, эл-юртимизнинг келажагига ишонч билан қараш масаласида мустақил Ўзбекистон журналистлари ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч кимдан кам бўлмайди ҳам, — деди биз билан суҳбатда «Йилнинг энг фаол журналисти — 2006» танлови ғолиби, Қорақалпоғистонлик кекса журналист Реймбой Ешимбетов.

Зеро, давлатимиз раҳбари ҳам Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида айтдилар: *«Матбуот ходимлари, уларга хос хусусиятлар ҳақида гапирганда, биз, аввало, сезгирлик ва зийраклик аломатларини, ҳаёт ўзгариши, дарду-ташвишларини чуқур кузатадиган ва ўз қалбидан ўтказадиган, кенг дунёқараш эгаси бўлган, турли касб-ҳунар ва мутахассисликни ўзида мужассамлаштирган инсонларни ўзимизда тасаввур этамиз...»*

Байрам тадбирида жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, ёшларни спортга кенг жалб этиш, пировардида, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида алоҳида жонбозлик кўрсатган бир гуруҳ ижодкорлар Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг махсус мукофотлари билан тақдирланди. Шундан сўнг, байрам шукуҳи санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти билан пойтахтимизнинг сўлим гўшаларидан бири — Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғига кўчди. Республикамизнинг барча ҳудудларидан таклиф этилган қалам аҳли ўз оиласи аъзолари билан кечга қадар катта сайл иштирокчилари бўлишди.

# ЖАМИЯТ, ЁШЛАР ВА МАТБУОТ

***Мамлакатимиздаги янгиланишлар, ислоҳотлар самараларини ёритиш, кенг оммага ёйиш шунингдек, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.***

Севара ЯНДАШЕВА




ШУ нуқтаи назардан давлатимиз раҳбарининг ибораси билан айтганда, фарзандларимизнинг бизлардан кўра кучли, билимли, ақлли ва доно бўлишларида оммавий ахборот воситаларининг ўрни, аҳамияти беқиёс. Зеро, давр ва жамият кўзгуси бўлган оммавий ахборот воситаларида журналистлар ўзларининг тезкор лавҳалари ва таҳлилий мақолалари билан халқимизнинг қўлга киритган ютуқлари, кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида юзага келадиган айрим қийинчиликлар ва уларнинг ечимига жамоатчилик эътиборини тортиб, соҳа ривожига ўз хиссаларини қўшмоқдалар.

Кеча Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорликда «Мамлакат ҳаётидаги янгиланишларда ёшларнинг фаоллигини ошириш ва бунда оммавий ахборот воситаларининг ўрни» мавзуида форум уюштирилди. Форумда «Ёшлар сиёсатини амалга ошириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, экстремистик ва миллатчиликка қарши кураш руҳида тарбиялашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти», «Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ёшларнинг ўрни», «Оммавий ахборот воситаларида ёшлар мавзусининг ёритилиши» каби мавзуларда, қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Тадбирда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ахборот агентликлари, босма ва интернет нашрларида фаолият олиб бораётган журналистлар ўртасида ўтказилган анъанавий «Жамият ва Мен» танлови ғолиблари эълон қилиниб, ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ёшларнинг фуқаролик жамияти қурилишида фаоллигини оширишга қаратилган мақолалари билан қатнашган бир қатор журналистларга ўз совғаларини топширдилар.

Форумда мамлакатимиз парламенти ва ҳукумати аъзолари, манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этишди.

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

***Газетамиз адабий котиби Абдували Қутбиддинов «Жамият ва мен» танловининг ғолибларидан бири деб топилди. Бўлим мудири Нурали Шодиев эса Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти таъсис этган махсус совға билан тақдирланди. Биз уларни самимий қутлаб, ижодий изланишларига муваффақият тилаймиз.***

***Илк радионинг ихтиро қилиниши замонавий кўринишдаги газеталарнинг яратилишидан 500 йил кейин содир бўлган бўлса, телевидениенинг кашф этилишига атиги 50 йил керак бўлди. Оммавий ахборот воситасининг энг ёш авлоди бўлган интернетнинг яратилиши ва оммалашишига эса бир неча йил кифоя қилди, холос.***






# ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Бунёд АБДУЛЛАЕВ

ФАН-ТЕХНИКА тараққиёти тезлашиб бораётган ҳозирги замонда давр билан ҳамнафас бўлиш ҳар бир соҳа вакилларидан доимий изланиш ва ҳаракатни талаб этади. Бунга яқинда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ўтказилган қатор тадбирларида яна бир бор гувоҳ бўлдик. Жумладан, 23-24 июнь кунлари Бухоро, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида фаолият юритувчи ҳудудий телестанцияларда кўчма семинарлар, 25 июнда Тошкент шаҳрида мазкур байрам санасига бағишлаб конференция ташкил этилди.

Кўчма семинарлар давомида иштирокчилар Бухоро вилоятидаги «Коинот» ва «Осиё» телевидениеларининг янги бинолари билан танишишди. «Истиқлол» телевидениесининг янги биносига тантанали равишда рамзий пойдевор қўйилди. Шунингдек, қатнашчилар Самарқанд шаҳрида жойлашган «Самарқанд-СТВ» телевизион ижодий уюшмаси фаолиятини яқиндан ўрганиб, тўғридан-тўғри эфирга узатиладиган «Жамият ва оммавий ахборот воситалари» ток-шоусида қатнашдилар. Эртаси куни семинар иштирокчилари Гулистон шаҳридаги «Жамоатчилик эфирга узатиш компанияси»нинг янги тасвирга олиш комплексининг очилиш маросимида иштирок этдилар.

Иштирокчилар кўчма семинарлар давомида ўзаро тажриба алмашиш, муайян телестанцияда тайёрланаётган телемаҳсулотлар юзасидан ижодий мулоқотлар уюштириш имконига эга бўлдилар, қатор таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Шунингдек, ҳудудий телестанция вакиллари ва меҳмонлар Мустақиллик шарофати билан янгича кўриниш олган Бухоро ва Самарқанд шаҳридаги тарихий обидаларга ташриф буюрдилар.

Ниҳоят, 25 июнь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг умумий конференцияси ўтказилди. Конференция давомида ҳудудий телерадиостанциялар томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижросининг ёритилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллигига тайёргарлик муҳокамаси бўлиб ўтди.

Анжуман якунида 14 та ҳудудий телестанцияга Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг радиоузатгичлар сертификати топширилди. Шунингдек, Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан бир қатор журналистлар соҳадаги самарали фаолиятлари учун Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Абдулла Арипов иштирок этди.

*Шу ойнинг иккинчи ўн кунлиги эди. Мамлакатимиз матбуот саҳифалари, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда қатор ҳамкор ташкилотлар иштирокида Республикамиз талаба ёшлари иштирокида «Бунёдкор-2007» меҳнат отрядлари тузилаётгани ҳақида кетма-кет хабарлар тарқатилди. Орадан 2-3 кун ўтмаёқ, бамисоли қуёш қўри билан ёлқинланган ёш юраклар — мамлакатимиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги ўқув даргоҳлари талабаларидан иборат дастлабки кўнгилли меҳнат отрядлари республикамизда кенг қулоч ёйган муҳим қурилиш майдонларига жўнаб кетаётганликлари ҳақида репортажлар берила бошлади.*

Номоз САЪДУЛЛАЕВ



# ҚУЁШ ҚЎРИДАН ЁЛҚИНЛАНГАН ЮРАКЛАР

*«Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темирйўл қурилишида*

***— Бугунга қадар мамлакатимиздаги 50 дан ортиқ олий таълим муассасаларида 270 дан зиёд меҳнат отрядлари тузилди. Уларга 12 000 нафардан кўпроқ қалбида шижоат ўти ёнган талабалар жалб этилади. Улар мамлакатимизнинг 300 дан зиёд объектларида олиб борилаётган катта бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссаларини қўшадилар.***



ЖУМЛАДАН, улардан бири — Тошкент темир йўл вокзалида Тошкент темир йўл муҳандислари институти талабаларини бугун мамлакатимизда «Аср қурилиши» деб ном олган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл қурилишига кузатуви бўлди. Ўша куни юзлаб ёшлар миллий қадриятларимизга кўра кўпни кўрган отахону онахонлар дуоси билан мустақил меҳнат жабҳасига йўл олдилар.

Бу ҳақда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши бўлим мудири Бегмат Очилов ҳикоя қилади:

— Бугунга қадар мамлакатимизда 50 дан ортиқ олий таълим муассасаларида 270 дан зиёд меҳнат отрядлари тузилди. Уларга 12 минг нафардан ошиқроқ қалбида қуриш, яратиш, бунёдкорлик ишқи ёнган талабалар жалб этилади. Талабалар мамлакатимизнинг 300 дан зиёдроқ объектларида олиб борилаётган катта бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Отрядлар ўз сардорларига эга. Масалан, «Деҳқонобод» станциясига тушган отрядларнинг бирига — термизлик Илёс Холбоев сардорлик қилаётган бўлса, бирига — Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтидан Камолиддин Жўраев, яна бирига — Абдураҳмон Абдумуродов етакчилик қилмоқдалар. Сардорларимизнинг ҳаммаси ўқишга қадар ҳаётни озми-кўпми кўрган, олий ўқув юртларига ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаганлиги учун ҳукуматимиз яратиб берган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда ўқишга кирган навқирон ёшлардир.

Бугина эмас, «Камолот» ЁИҲнинг «Бунёдкор — 2007» меҳнат отрядлари ҳозир Самарқанд, Жиззах вилоятлари қурилиш объектларида ҳам иш бошлади. Улар йирик корхоналар, коллежлар қурилишларида, ишлаб чиқариш уюшмалари ва фермер хўжаликлари иншоотларини тикланишида фаол иштирок этмоқдалар. Биргина Жиззах вилоятида бу юмушларга жалб этилган меҳнат отрядлари сафида 450 нафардан зиёд талаба меҳнат қилмоқда.

Бундан ташқари, ёшларимиз мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил даврида ҳордиқ чиқарувчи оромгоҳларида ҳам фаолият кўрсатишаяпти. Жорий йилда мавсум давомида «Камолот» ЁИҲ МК қошидаги «Етакчи» ёшлар маркази томонидан оромгоҳлар учун 600 нафар маънавият тарғиботчилари тайёрланди. Улар оромгоҳларда дам олаётган болаларга тарбиячи вазифасини ўташаяпти. Биз улар учун қисқа муддатли ўқув семинарлари ташкил этиб, ҳар бирига сертификатлар бердик...

«Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл қурилиши станцияларида ишлаётган меҳнат отрядлари асосан қандай юмуш бажараётганлиги ва уларга яратилган шарт-шароитлар ҳақида сўраганимизда суҳбатдошимиз шундай жавоб қилди.

— Улар қайси обеъектда ишлашмасин, махсус ихтисослик ёинки касбий малака талаб қилмайдиган юмушларда меҳнат қилишади. Масалан, янги вокзаллар теварак-атрофини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, қурилиш материалларини ташиш ёхуд у ерларда барпо этилаётган уй-жойлар, мактаблар, шифохоналар қурилишига ёрдам бериш ва ҳоказо... Темир излар ётқизиш, вокзаллар барпо этиш, кўприклар тиклаш ишларида ўз соҳасининг малакали мутахассислари қатнашадилар, албатта...

Ёш бунёдкорларга яратилган шарт-шароитларга келсак, иссиқ овқат, махсус кийим-бош, ичимлик сув таъминоти «Бунёдкор-2007» низомида кўзда тутилган даражада ташкил этилган. Талабаларнинг ҳар бири ўзларининг ёзги таътил чоғларида Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида барпо этилаётган истиқлол иншоотлари қурилишларида қатнашаётганликлари учун (олий ўқув юртлари стипендиялари сақланган ҳолда) ойлик маошлар билан ҳам таъминланадилар.

— Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг биринчи курсини тугатдим, — деди ўзини Заҳриддин Ваҳобов деб таништирган йигит. — Таътил кунларим бекорга кетмасин деб, меҳнат отрядига ёзилдим. Келажакда малакали темир йўл мутахассиси бўлиб чиқишим учун, ҳозирдан йирик темир йўл қурилиши иншооти тикланишида иштирок этаётганим, ўйлайманки, келгусидаги меҳнат фаолиятимга жудажуда қўл келади, тажриба орттираман...

* * *

... Хаёл жиловсиз... Ушбу сатрларни қоғозга тушираётиб, Марказий Осиёда ягона мазкур йирик темир йўл қурилишига тамал тоши қўйилган илк кезларни эсга олдик. Уни бунёд этиш ғояси Мустақиллик йилларининг бешинчи баҳори — 1995 йилда туғилди. Шундан сўнг лойиҳалаштириш ишлари амалга оширилди. «Етти ўлчаб, бир кес» деганларидек, қанчадан-қанча лойиҳалар обдон ўйланди, ишланди. Иқтисодий томонлари, молиявий харажатлари, ерлик аҳоли учун ижтимоий инфратузилмалар, ички ва ташқи имкониятлар, келажак истиқболлари, халқаро темир йўл коммуникация тизимлари — ҳамма-ҳаммаси пухта ўйлаб кўрилди... Ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов имзоси билан 2004 йил 30 ноябрда қурилиш ишларини янада жадаллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди...

Мана, қарийб уч йилдирки, «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» оралиғида бепоён даштликлар, қир-адирлар, ҳайбатли тоғлар бағрини кесиб ўтган улкан темир йўл қурилиши жадал давом этмоқда. Унинг истиқболидан келиб чиққан ҳолда Бойсундаги «Гожак», «Бойсун» қазилма конларини ўрганиш учун ҳозирдан Малайзиянинг «Петрнас Чаргали Оварс» компанияси билан шартномалар имзоланмоқда. Эронликлар эса бу борада аллақачон иш ҳам бошлашди. Хитой, Япония каби дунёнинг ривожланган давлатларидан ишбилармонлар келишди. Зеро, бу йўл истиқболда мамлакатимизни Термиз орқали Шарқ мамлакатлари билан боғлайди ва океанлар бандаргоҳларига олиб чиқади...

Бу — пировардида, давлатимизнинг эртанги кун иқтисодий салоҳияти, жамиятимиз фаровонлиги ва аҳоли турмуш тарзи янада юксалади, темир йўл излари ётқизилган ҳудудлар атрофларидаги қишлоқлар ва овулларнинг ижтимоий инфратузилмалари кенгайиб, минглаб янги-янги муқим иш ўринлари, ўзига хос шаҳарлар, посёлкалар вужудга келади, деган орзуларнинг яққол исботи, дангал мазмуни ва туб моҳиятидир...

* * *

Келинг, яхшиси, мавзумиз хотимасига қайтайлик: «Бунёдкор — 2007» меҳнат отрядлари иштирокчиларини шу кунларда темир йўл қурилишининг 1209, 1313, 1317, 1321-пикетларида учратиб, шундай савол бердик: «Бу йўл келажакда нимага хизмат қилишини қисқа ва лўнда қилиб қандай айтган бўлардингиз?»

— Жамият равнақига! — деб жавоб беришди улар ҳеч иккиланмай.

Ҳа, жамият равнақ топса, демак, давлат — кучли, мамлакат — тинч, эл фаровон...

# ТОШКЕНТ – «ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ»

**тарихий аҳамиятга молик ушбу жаҳоншумул эътироф дунё диққатини жалб этмоқда**

***Тошкентнинг «Ислом маданияти пойтахти» деган юксак мақомга эришгани дунё халқларининг юртимизга бўлган қизиқишини янада орттираяпти. Яқинда Тошкент ислом университетида «Марказий Осиёда ислом қадриятлари: бағрикенглик ва гуманизм» мавзуида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтгани ва унда билдирилган фикр-мулоҳазалар бунинг яққол исботидир.***



**Маъбуда ЮНУСОВА,**
**«Жамият» мухбири**

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Фанлар академияси тарих институти, Марказий Осиёни тадқиқ қилиш француз институти, Марказий Осиёни тадқиқ қилиш халқаро институти ва ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ўтказилган анжуманда 150 дан зиёд олим ва мутахассислар иштирок этди. Тадбирда Россия, Франция, Голландия, Швейцария, Япония, Қозоғистон, Тожикистон ҳамда Эрон каби мамлакатлардан келган диний уламолар, илм пешволари маърузалари тингланди.

— Ўзбекистонда ислом оламининг дунёга машҳур зотлари яшаб ўтган. Мазкур анжуманда, шулардан бири — Шош воҳасининг буюк мутасаввуф олими Шайх Хованди Тоҳур хусусида маъруза қилдим, — дейди анжуман иштирокчиси, филология фанлари доктори, профессор Зоҳиджон Исломов. — Бу зот ниҳоятда зукко, билимдон киши бўлган. Кези келганда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Тошкент ислом институти, шунингдек, Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом университетларида диний ва дунёвий илмларни тўлиқ эгаллаётган етук мутахассислар тайёрланаётгани ҳамда исломий илмларнинг турли соҳаларига оид сақланиб келинаётган минглаб қадимий, ноёб қўлёзмаларнинг тадқиқ этилиши мамлакатимиз пойтахтининг ана шундай юксак мақомга лойиқ топилишига асос бўлган, деб ўйлайман.

Юқорида қайд этганимиздек, анжуманда Марказий Осиё тарихини яхши биладиган хорижлик олимлар ҳам иштирок этдилар. Қуйида улардан баъзиларининг фикр-мулоҳазаларини келтириб ўтамиз:

**Байрам БАЛЧИ, Марказий Осиёни тадқиқ қилиш Француз институти директори:**



— Ўзбеклардаги диний бағрикенглик, инсонпарварлик мезонларининг тарихи олис ўтмишга бориб тақалади. Мен буни яхши биламан. Маҳаллий халқнинг олижаноб фазилатларидан бутун дунё ўрнак олса арзийди. Юртингиздаги ижобий ўзгаришларга, воқеаларга ҳаққоний баҳо берувчи давлатлар ва одамлар оз эмас. Улар юртингизга дўсту ҳамкор, ҳамиша хавас билан қараб, илиқ муносабатда бўлаётганидан мамнунмиз.

**Тураж АТАБАКИ, Голландиядаги Амстердам университети профессори:**



— Биз Ўзбекистонга ҳамиша ҳавас қилганмиз. Бу юртга чиндан ҳам оллоҳнинг назари тушган. Чунки, мен шуни биламанки, исломий қадриятлар кўпроқ шу ерда улуғланади.

Ана шундай мамлакатнинг марказий шаҳрига «Ислом маданияти пойтахти» мақоми берилгани ҳаққоний баҳодир.

**Филипп РАЙХМУТ, германиялик олим Марказий Осиёни тадқиқ қилиш Француз институти доктаранти:**



—Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати. Бу қадимий ва ҳамиша навқирон юртга нисбатан меҳримиз бўлакча. Унинг халқидек меҳнаткаш, мард, очиқкўнгил, шунингдек, самимий одамлар дунёнинг бошқа ерида учрамайди, десам хато эмас.

Ўлкангиз тарихига жуда қизиқаман. Хусусан, Самарқанд шаҳри тарихи мени оҳанрабодек ўзига ром этади. Унинг бронза давридаги шонли кечмиши жудаям қизиқ. Бу шаҳар 1220 йилга қадар ҳозирги Афросиёб ўрнида бўлган. Дунёда иккита боқий шаҳар мавжуд дейишади: уларнинг бири Рим бўлса, иккинчиси — Самарқанд! Ҳадемай, Самарқанднинг 2750 йиллиги нишонланади. Бу тантаналарда иштирок этиш мен учун улкан орзу!

**— Анжуман давомида юртимиз шаънига билдирилган бундай самимий эътирофлар, тилаклар кўп бўлди. Бинобарин, Тошкент шаҳрини «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши нафақат мамлакатимиз, қолаверса, бутун минтақа учун ҳам фахрланса арзигулик, биз кимларнинг авлоди эканлигимизни жумлаи жаҳонга кўз-кўз қилувчи воқеадир.**

Сабоқ

*Ўзбек халқи асрлар давомида жуда катта ҳаётий тажриба асосида маънавий мерос тўплаган. Ушбу мерос турли воситалар билан авлоддан-авлодга, қолаверса, келажак авлодларга ўтиб бораяпти. Ҳикматли сўзлар ана шундай бебаҳо маънавий меросимиз ҳисобланади.*

# ЎЗ ҚАДРИНИ БИЛГАН СЎЗ ҚАДРИНИ БИЛАР




**«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти томонидан чоп этилган «Маънолар махзани» номли китоб таниқли олимлар Шотурсун ШОМАҚСУДОВ ва Шуҳрат ШОРАҲМЕДОВлар қаламига мансуб манбалар асосида тайёрланган. Бу хайрли ишда муаллифларнинг фарзандлари ва ҳамкасблари яқиндан ёрдам беришган.**

**Биз «Сабоқ» рукни остида ушбу китобга жамланган сўз дурдоналаримиздан намуналар бериб боришни режалаштирдик. Марҳамат, маънолар махзанига!..**

**Таҳририят**

### АВВАЛ ЎЙЛА, КЕЙИН СЎЙЛА

**Жамият аъзолари ўзаро муносабатларда сўзлашиш одобига катъий риоя қилишлари зарурлиги таъкидланади. Киши айтадиган ҳар бир сўзи (гап)ни аввал ўйлаб олиши, сўнг сўзлаши лозим. Ўйламай айтилган сўз кишини кўпчилик орасида уялиб қолишига, ҳатто фожиавий аҳволга тушишига сабаб бўлиши мумкин». «Сўзни кўнгилда пишқармагунча тилга келтурма, Ва ҳар неким, кўнгилда бор — тилга сурма» (Навоий).**

**Варианти:** ***«Ўйламагунча сўйлама», «Кўп ўйла, оз сўйла».***

### АДАШГАН ТОШ ТЕРАР

**«Адашган одам йўлидаги тошларга қараб, қайси томонга юрсам экан, деб ўйланаверади», деган маънода.**

**Варианти:** ***«Адашганнинг олди тўсиқ»; «Адашганнинг олди жўн»; «Адашганнинг олди йўқ».***

### ЕЛНИНГ ИШИ — СОВУРМОҚ, ЎТНИНГ ИШИ ҚОВУРМОҚ

**Мазмуни: «Елдек енгил бўлма, топган мол-дунёингни, обрў-эътиборингни совурма. Ўтдек қизиб, алангаланиб, одамларни «қовурма». Оғир, вазмин бўл!», деган маънода насиҳат қилганларида шу мақолни айтадилар.**

### АГАР БЎЛСА ОҚЛИҒИНГ, БИЛИНМАЙДИ ЙЎҚЛИҒИНГ

**Оқлиқ - сут, қатиқ, пишлоқ, сузма, қурт, қимрон, қимиз ва ш. к. Бу маҳсулотларнинг киши саломатлигига фойдаси катта. Халқда туёғи бор, яъни чорваси бор оилада барака бўлади, деган гап бор. Сигир-бузоғи бор оила, тўқ оила ҳисобланган.**

**Варианти:** ***«Оқлик бўлса, очлик йўқ»; «Оқлик бор уйга оғриқ доримас».***

### АДАБНИ БЕАДАБДАН ЎРГАН

**Луқмон Ҳакимдан: «Адабни кимдан ўргандинг?» деб сўрадилар. Луқмон жавоб берди: «Адабни беадаблардан ўргандим, уларнинг ҳаркатларидаги менга мақбул бўлмаган нарсалардан ўзимни сақладим» (Саъдий, Гулистон).**

**Варианти:** ***«Ақлни ақлсиздан ўрган»; «Тамизни бетамиздан ўрган», «Ақлли ўрганар, аҳмоқ ўргатар», «Одобнинг нима эканини одобсизни кўрганда биласан».***




***Юртимизнинг турли гўшаларида қалам тебратиб келаётган журналистларимизни касб байрами муносабати билан муборакбод этамиз. Уларнинг шарафли ва шу билан бирга масъулиятли ишларида улкан зафарлар, ижодларига барака тилаймиз.***



**САМАРҚАНД «SINO» КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

# ДОРИ ВОСИТАЛАРИ РЕКЛАМАСИ:

# КИМГА ФОЙДА, КИМГА?..



***Яқинда қўшниларимдан бири гап асносида: «Шамоллаб қолганимда, яхши фойда қилса керак, деган ўйда, реклама қилинаётган дорилардан бирини дорихонадан сотиб олиб истеъмол қилдим. Фойдаси бўлмади, қайтанга ошқозонимда кучли оғриқ пайдо бўлди», деб айтиб қолди. Шу воқеа туртки бўлди-ю, дори воситаларидан қандай фойдаланиш, уларнинг рекламаси хусусида тиббиёт фанлари доктори, профессор Зуҳра БОТИРОВА билан суҳбатлашдик.***

— ҚАЧОНКИ, организм ўз кучи билан муайян бир касалликни бартараф этишга қодир бўлмаса, у ҳолда дори воситаси билан унга кўмаклашиш керак, — дейди суҳбатдошимиз. — Масалан, шамоллаганда инфекция (жумладан, вирусли) организмга киради ва уни заҳарлайди. Бундай ҳолларда касаллик текширилиб, унинг беморга хос жиҳатлари чуқур ўрганилгандан кейингина уни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилади. Таъкидлаш лозимки, ўхшаш касалликни бошидан кечираётган беморларга ҳар доим ҳам бир хил дори тавсия этиб бўлмайди. Чунки касалликни қабул қилиш даражаси турли организмларда бир-биридан фарқ қилади, уларнинг ҳар бири ўзига хос иммунитетга, индивидуал салоҳият ва хусусиятга эга.

Бироқ, бу муҳим ҳаётий тушунчалар устидан дори воситалари рекламаси кўп ҳолларда «чизиқ тортиб» ўтаётгани кузатилмоқда. Хусусан, кейинги пайтларда айрим дориларни, улар тегишли касалликни бартараф этадими-йўқми, истеъмол қилишга даъват қилувчи рекламалар кўпайиб кетаяпти, назаримизда. Боз устига, реклама орқали бундай «тавсиялар-ларнинг» кўпинча мутахассис бўлмаган кишилар томонидан берилаётганини тўғри деб бўлмайди.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, дори воситасининг даволаш имкониятларини тўлиқ билмай туриб истеъмол қилиш — инсон организмининг заҳарланишига ёки ундан ҳам ёмонроқ асоратларга олиб келиши мумкин. Яъни, у кишидаги муайян касалликни тузатиш ўрнига дарднинг оғирлашиши ёки сурункали шаклга ўтишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда, кўпинча, инсон иммунитети сусаяди, иш қобилияти пасаяди, пировардида, унга ташхис қўйиш ҳам қийинлашади.

Мутахассис тавсиясисиз дори воситаси қабул қилишнинг болалар ва аёллар организмларига салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли айниқса юқори. Чунки, болалар организми ҳали тўла такомиллашмагани боис, ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Шунингдек, аёллар организмида ҳам эркакларникидан фарқли равишда, ўзига хос гармонал хусусиятлар мавжуддир. Шу сабаб ҳам, ноўрин дори воситасини қабул қилиш натижасида юзага келадиган салбий оқибатлар аёлларда кўпроқ намоён бўлади.

Айтиш лозимки, бугун турли оммавий ахборот воситалари орқали намойиш этилаётган дори воситалари рекламаларининг каттагина қисми номақбул тарзда намойиш этилаяпти. Мисол учун, бир рекламага кўра, ота-она шамоллаган қизчасини қандай даволашни билмай турганида, қўшни аёл уларникига кириб келиб, «қизингизнинг шамоллаганини эшитдим, сизга «мана бу» дорини тавсия қиламан» (?!) дейди. Шу ўринда савол туғилади — нима учун врач тавсия этиши керак бўлган дорини рекламада қўшниси тавсия этаяпти?



Такроран бўлса-да айтиш лозимки, билиб-билмай, пала-партиш дори қабул қилишнинг оқибати жуда ёмон бўлиши мумкин.

### ТИББИЙ САВОДХОНЛИК

— ДЕМАК, врач тавсиясисиз дори воситасини қабул қилиш ва ундан «нажот» кутиш оқил кишининг иши эмас?..

— Жуда тўғри. Ҳаётда кузатилганидек, бу иммунитетга, асаб тизими ва юрак-қон томир тизимига, ички секреция органлари ва организмнинг гармонал фонига салбий таъсир қилади. Мутахассислар яхши билишади, инсон организмида қон мунтазам янгиланиб туради — яъни янги қон элементлари пайдо бўлиб, эскилари парчаланади. Айниқса, ички секреция безлари ишлаб чиқарадиган гармонлар организмда ўта муҳим вазифаларни бажаради. Мутахассис хулосаси ва тавсиясини олмай туриб дори истеъмол қилиш оқибатида инсон ҳаёти учун муҳим бўлган ушбу жараёнга зиён етиши аниқ. Фуқаролар соғлигини сақлаш, муҳофаза қилиш — давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган бир пайтда, бу масалага янада жиддийроқ муносабатда бўлишимиз лозим.

Ҳозирги кунда бутун дунё миқёсида, хусусан мамлакатимизда ҳам соғлом турмуш тарзи ташвиқоти кенг йўлга қўйилган. Аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш ҳам устувор вазифалардан бири қилиб белгиланган. Зеро, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш уни даволашдан кўра муҳимдир. Чунки организмда кечган ҳар қандай касаллик изсиз кечмайди...

Фикримизча, эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим масалалардан бири шуки, дори воситалари рекламаси билан шуғулланаётганлар аҳолининг тиббий маърифатлилиги, саводхонлиги даражасини эътиборга олган ҳолда рекламалар тайёрлаш ва намойиш қилиш лозимлигини яхши билишади. Аммо, уларни бу мезонга ҳар доим ҳам риоя қилишади деб бўлмайди. Таъбир жоиз бўлса, улар ушбу ҳолатдан «унумли фойдаланишяпти» дейиш мумкин...

### НОЖОИЗ ТАВСИЯЛАР

— БАЪЗИ-БАЪЗИДА «Реклама тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ келмаган тарғиботларга ҳам дуч келамиз...

— Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «Реклама тўғрисида»ги Қонунининг 22-моддасида дори воситалари рекламасида дори воситасининг тўлиқ номи (шу жумладан, халқаро фармакологик номи), ишлаб чиқарувчининг номи, дори воситасидан фойдаланиш ва уни қўллаш ҳақидаги ахборот» ва ҳоказолар бўлиши шарт дейилган.

Афсуски, баъзи бир рекламаларда ушбу меъёрга мос бўлмаган «тарғиботлар» ҳам йўқ эмас. Айрим оммавий ахборот воситаларида (шунингдек, транспорт бекатлари ва шунга ўхшаш жамоат жойларида ҳам) жойлаштирилган дори воситалари рекламаларини ҳар доим ҳам қонуний талаблар даражасида, деб бўлмайди. Хусусан, уларда дори воситаси тўғрисидаги ахборотлар кўпинча тўлиқ эмас. Яъни, дейлик, баъзи бир ахборот воситаларида унча кўп бўлмаган вақт давомида бир неча дори воситаси ташвиқот қилинади. Аслида эса ҳар битта дори тўғрисида тўлиқ ахборот бериш — жиддий ёндашувни талаб этади, шу жумладан вақт нуқтаи назаридан ҳам. Дори воситалари рекламаси тайёрланаётганда қонунда назарда тутилган тамойилларга ҳар доим ҳам риоя қилинмаётганига энг кўп кузатилаётган мисол тариқасида шуни айтиш мумкинки, кўпинча, шамоллашга қарши муайян номдаги дори воситасини машина ҳайдовчисидан тортиб, шамоллаб қолган неварасига меҳрибонлик кўрсатаётган буви ҳам тарғиб этади...

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Айрим оммавий ахборот воситаларида берилаётган «Мутахассис маслаҳати»да ҳам баъзан ножоиз «маслаҳатларга» дуч келамиз. Мисол учун, беморнинг: «ошқозоним оғрияпти, нима қилишим керак?» деган сўровига «мутахассис» «фалон-фалон дориларни ичинг», дея ўзича, ҳали беморни кўрмай, унинг касаллигини билмай туриб, бир қатор дориларни тавсия этади... Фикримизча, аҳоли саломатлиги каби муҳим масалага ўта масъулият билан ёндашиш ҳар бир шифокорнинг, шу жумладан, дори воситаси рекламасида иштирок этаётганларнинг нафақат касбий, балки фуқаролик бурчи ҳам бўлмоғи лозим.

**Суҳбатдош:**
**Илҳом КАРОМОВ**

# МУТАХАССИС ФИКРИ

**Дилшод АЗИМОВ,**

**Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи:**

ДУНЁНИНГ кўплаб давлатларида бўлгани каби бизнинг қонунчилигимизда ҳам фақатгина рецептсиз бериладиган дори-дармон воситаларини реклама қилишга рухсат этилган.

«Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва тегишли меъёрий ҳужжатларга асосан дори-дармон воситаларининг рекламаси борасида қуйидагилар мумкин эмас:

- дори-дармон воситасини ноёб, жуда ҳам самарали, қўшимча таъсирларнинг мавжуд эмаслиги жиҳатидан жуда хавфсиз восита сифатида ифодалаш;
- дори-дармон воситасининг таркиби, ишлаб чиқарилиши, янгилиги ёки патентланганлиги хусусида янглиш тасаввур бериш;
- машҳурлиги туфайли дори-дармон воситаларини қўллашни рағбатлантириши мумкин бўлган олимлар, соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари, шунингдек, давлат хизматчилари ва бошқа (дейлик, эл орасида танилган) шахсларнинг тавсияларини далил қилиб келтириш;
- мазкўр дори-дармон воситасининг хавфсизлиги ва самараси унинг табиий келиб чиқиши билан боғлиқ эканини даъво қилиш;
- тиббий маслаҳатлар ёки жарроҳлик операциялари кераксиз деган тасаввурни ҳосил қилиш;
- мазкур дори-дармон воситасининг таъсири кафолатлангани тўғрисидаги фикрни тасдиқлаш;
- дори-дармон воситасини қўлламаслик оқибатида кишининг соғлиги ёмонлашувини онгга сингдириш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги ҳудудий органлари томонидан оммавий ахборот воситаларида дори воситалари рекламасини қонунчилик талаблари асосида олиб борилиши доимий назоратга олинган. Биргина ўтган 2006 йилда республика бўйича мавзуга оид 198 та мониторинг текширувлари ўтказилди. Унинг натижаларига кўра, 60 нафар мансабдор шахс (ҳам реклама берувчи, ҳам реклама тарқатувчи) дори рекламаси борасида йўл қўйган камчиликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ҳозирги кунда қўмита томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонунига қўшимча ва ўзгартириш киритиш бўйича ҳам иш олиб борилмоқда. Айниқса, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, вояга етмаганларга йўналтирилган рекламалар ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Шу сабабли вояга етмаганларга мўлжалланган турли рекламаларни (шу жумладан дори воситалари рекламасини) жиддий тартибга солиш бўйича ҳам қонунга ўзгартиришлар киритиш мўлжалланмоқда.

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

***Ушбу саҳифада тегишли соҳа мутахассисларининг фикр-мулоҳазаларини ёритишга ҳаракат қилдик. Мавзу юзасидан ўтказилган социологик сўровлар натижаларига кўра ҳам, унда иштирок этганларнинг аксарият қисми юқорида таъкидланган фикрларга ҳамоҳанг мулоҳазаларни билдирган. Бинобарин, бундан 5-6 йил илгари худди шунга ўхшаш сўровлар хулосаларига асосан, хусусан, сигарета рекламаси ҳам жамият манфаатларидан келиб чиқиб тартибга солинган эди.***

***Бу борада рекламага масъул шахслар ҳамда бевосита дори воситалари рекламаси билан шуғулланувчи мутасаддилар, шунингдек, аҳолининг турли табақаларига мансуб юртдошларимизнинг ҳам фикрини кутиб қоламиз.***

# СУД ИСЛОҲОТЛАРИ

## *инсон манфаатлари хизматида*



***Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб, барча соҳаларда ислоҳотлар жараёни бошланди. Шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам инсон манфаатлари ҳимоясига қаратилган қатор янгиланишлар юз бермоқда.***

**Фозил ТЎРАЕВ,**

**Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди судьяси**

МАЪЛУМКИ, судларга бугун демократик объективлик, ҳар қандай фуқаронинг судга мурожаат қила олиш имконияти, суд ҳимоясида бўла олиш манфаати доирасини кенгайтириш вазифаси қўйилган. Зеро, мукаммал суд тизими инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлиги таъминланадиган жамият асосларидан биридир. Шу боисдан бугун суд жазоловчи органдан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи, мустақил, дахлсиз органга айланиш йўлида жадал такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан судлар ихтисослашувининг жорий этилиши, яъни умумий юрисдикция судларининг жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишларини кўриб чиқадиган судларга ажратилиши суд тизимини ислоҳ қилиш жараёнида янги саҳифа очди. Яъни, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси кафолатланиши янада кучайтирилди, судларда ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини тўлароқ таъминлаш имкониятини сари кенгайтирилди.

Маълумки, қонунларини либераллаштириш жамиятнинг барча қатламлари манфаатларига жавоб беради. Жиноят натижасида етказилган мулкий зарарнинг қопланиши жиноят соҳасидаги суд ишларини юритишнинг муҳим вазифаларидан биридир ва бу вазифалар жабрланувчиларнинг манфаатларига тўлиқ мос келади. Айнан шунинг учун ҳам қонун жазо тури ва муддатини белгилашни етказилган зарар ўрнини қопланиши билан боғлиқ қилиб қўйди. Янги қонун жиноят содир қилган шахсларга, жиноят натижасида етказилган зиённи ихтиёрий тарзда қоплагани учун қўшимча ҳуқуқий кафолатлар беради. Унга кўра, бундай шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмайди.

Эндиликда ярашув институтлари жорий этилгач, айбланувчи жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Шу билан бирга, ярашиш мумкин бўлган жиноятлар туркуми қонунда қатъий белгилаб қўйилган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга оид 31 та жиноят таркибини ўз ичига олади. Ярашув институти тадбиқ этилганидан сўнг умумий судланганликнинг камайишига эришилди. Мисол учун, биргина Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти, туман ва шаҳар судлари томонидан 2325 та жиноят иши бўйича 2662 та шахсга нисбатан қонуннинг ярашув институтлари қўлланган. Хусусан, 2007 йилнинг 1-чорагида 110 нафар шахсга нисбатан жиноят иши тугатилгани жиноят ва жазо тизими инсон манфаатларини кўзлаб, либераллаштирилганлиги, суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг самарасидир.

Шунингдек, Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш, қамоққа олишга санкция бериш ваколатини судларга ўтказиш борасида мамлакатимиз Президентининг Фармонлари эълон қилингани ҳам инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, суд-ҳуқуқ тизимидаги барча ислоҳотларда инсон манфаатлари бош омил сифатида белгиланган. Мазкур жараёнларнинг муттасил такомиллашиб бориши эса пировардида ҳалқимизни адолатли давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришдек эзгу мақсадларини янада тезроқ юзага чиқишига кўмаклашади.

***Техника мўъжизалари инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилиш учун яратилган. Борди-ю, ундан фойдаланишда уқувсизликка йўл қўйилса, техника қулайлик эмас, балки инсон ҳаётига таҳдид солувчи воситага айланиб қолиши мумкин. Бугунги кунда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш умумжаҳон муаммоларидан биридир.***

# ҲАЙДОВЧИЛАР ВА ЙЎЛОВЧИЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА

**Бобир ИСЛОМОВ,**

**ҳуқуқшунос**



ХУСУСАН, Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош ассамблеяси жорий йилнинг апрель ойида «Биринчи бутун жаҳон йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳафталиги»ни ўтказгани ҳам бежиз эмас. Бунда йўлларда содир бўлаётган турли бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, транспорт воситалари иштирокидаги аварияларни камайишига эришиш чораларини кўриш, бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи сабабларга барҳам бериш — асосий вазифа ҳисобланади.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, ҳар йили дунёда фақат йўл-транспорт ҳодисаларида 1,2 миллион киши ҳалок бўлади, 50 миллиондан ортиқ кишилар эса турли даражадаги тан жароҳатлари оладилар. Авариялар оқибатида кўрилаётган зарар 518 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетмоқда.

***2007 йил 6 мартда қабул қилинган «Транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра 2007 йил 1 июлидан бошлаб меъёрий низомларида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситалари ҳаракатланиб бораётганда ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан хавфсизлик камарларидан фойдаланиш мажбурийдир.***

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, йўлтранспорт ҳодисаларини сонини кескин қисқартиришга эришиш имконияти мавжуд. Аввало, бахтсиз ҳодисаларни келтириб чиқган ҳолда бошқариш, белгиланган тезлик талабларига бўйсунмаслик, чорраҳадан ўтиш қоидаларини бузиш ва бошқа ҳолатларни айтиш мумкин.

Мамлакатимизда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида қатор йирик тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан мамлакатимиз ҳудудида 15 июндан 15 июлгача «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Шунингдек, «Йўл ҳаракати қоидалари»га жаҳон транспортлари талаблари асосида тегишли ўзгартишлар киритилиб, янги қонун-қоидалар ишлаб чиқилди. Жумладан унга транспорт воситасини бошқариш вақтида уяли телефондан фойдаланишни тақиқлаш, хавфсизлик камарларидан фойдаланишни йўлга қўйиш киради.

— Сўнгги пайтларда содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг маълум бир қисми транспорт воситасини бошқариб кетаётган пайтда телефонда гаплашиш оқибатида содир этилаётган эди, — дейди Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси катта инспектори Мансур Рихсиев. — Бу эса республикамиз қонунчилигида янги ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилинишига олиб келди. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 ноябрда «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексига қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Ва шу йилнинг 1 январидан бошлаб ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш чоғида уяли телефондан фойдаланиши тақиқланди.

Фуқароларимиз ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўлтранспорт ҳодисаларининг оғир оқибатларини бартараф этиш мақсадида 2007 йил 6 мартда қабул қилинган «Транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра 2007 йил 1 июлидан бошлаб меъёрий низомларида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситалари ҳаракатланиб бораётганда ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан хавфсизлик камарларидан фойдаланиш мажбурийдир.

Давлатимиз томонидан бу каби қонунларнинг қабул қилиниши турли кўнгилсиз йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва уларни камайтириш йўлида қилинаётган амалий саъй-ҳаракатлардир. Шундай экан, бу борадаги эзгу ишларга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишга интилсак — муваффақиятга эришамиз. Автотранспорт ва замонавий алоқа воситалари бизнинг оғиримизни енгил, узоғимизни яқин қилиш учун яратилган, эътиборсизлигимиз туфайли улар ҳаётимизга хавф солувчи воситаларга айланиб қолмасин. Энг муҳими шу.

# НАРКОТИК МОДДАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

## *халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни тақозо этади*





***Наркобизнесга қарши курашда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашга доир конвенцияси муҳим ўрин тутади. Мазкур конвенцияга аъзо давлатлар қабул қилган резолюциясига мувофиқ, 1987 йилдан бошлаб ҳар йили 26 июнь Халқаро наркотик моддаларни суистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни сифатида нишонланади.***

**Нурали ШОДИЕВ,**
**«Жамият» мухбири**

МАМЛАКАТИМИЗДА гиёҳванд моддалар айланишига қарши курашга жуда катта аҳамият берилмоқда ва бу борада ўзига хос давлат тизими шаклланган.

26 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ва наркобизнесга қарши курашда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар томонидан қўлга олинган гиёҳванд моддаларни йўқ қилиш бўйича навбатдаги тадбир ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида 772 кг гиёҳванд модда, жуда катта миқдорда кўкнори пояси ва бошқа психотроп воситалар ёқиб юборилди.

— Бу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад гиёҳвандлик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишга жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратишдир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази раҳбари Камол Дўстматов. — Мамлакатимизнинг БМТ конвенциялари доирасидаги мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда наркотик ва гиёҳванд моддаларни мусодара қилиш, тарқалишининг олдини олишида жамоатчиликнинг ролини кучайтириш лозим. Айниқса, қўшни давлат Афғонистонда кўп миқдорда наркотик моддалар етиштирилаётгани бизни жиддий ташвишга солади. 1994 йил май ойида тегишли тадбирлар доирасида 14 тонна гиёҳванд моддаси ёқиб юборилган эди. Шундан буён ўтган вақт ичида Ўзбекистонда 40 тоннага яқин гиёҳванд моддалар йўқ қилинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ноқонуний гиёҳванд моддалар тўғрисидаги йиллик ҳисоботида таъкидланишича, Афғонистонда кўкнори етиштириш назоратдан чиқиб кетаяпти. Хусусан, героин олинувчи афюннинг 92 фоизи шу мамлакат «улушига» тўғри келмоқда. 1980 йилларда Афғонистон жаҳондаги афюннинг 30 фоизини ишлаб чиқарган. Бугунга келиб эса бу кўрсаткич уч карра ўсган.

Маълумотларга қараганда бугун дунёда миллионлаб гиёҳванд шахслар мавжуд. Йилига минг-минглаб одам шу офат туфайли ҳаётдан бевақт кўз юмади. Наркотик моддалар таъсирида содир этилаётган жиноятлар сони ҳам тобора ошмоқда. Шундай экан, «оқ ажал» номини олган бу иллатга қарши кураш минтақа мамлакатлари ва халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни тақозо этади.

***26 июнь — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни муносабати билан Тошкент вилояти Янгийўл шаҳрида «Ёшлар — гиёҳвандликка қарши» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.***

# ЖАМОАТЧИЛИК – ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ

**Ҳабиб БОЛТАЕВ**

ВИЛОЯТ хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳамда Маданият ва спорт ишлари бошқармалари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, ўқитувчи ва талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Унда гиёҳвандлик кишилар соғлигига путур етказиб қолмай, жамият келажаги учун ҳам хавф туғдириши, айни вақтда гиёҳвандликнинг ёшлар ўртасида ёйилишининг олдини олиш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш мақсадида вилоятда олиб борилаётган ишлар тўғрисида сўз борди.

Тадбир давомида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши томонидан ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш мақсадида билимдонлик танлови ҳам ташкил этилди.

***Одам нима учун тамаки чекади? Ўрганиб қолганлиги ёки турмуш ташвишларидан бироз чалғиш учунми? Қисқаси, чекаман деган одамга баҳона-сабаб кўп. Уни ташлашга келганда аксарият кашандаларнинг уриниши кўпинча бесамар кетади.***

# КАШАНДАЛИКДАН ҚУТУЛСА БЎЛАДИ... МИ?



**Ҳусан СУЛАЙМОНОВ**

ТАМАКИ чекишнинг кенг тарқалишига баъзи одамларда чекиш иш қобилиятини оширади, таранглашган асабларни тинчлантиради, деган хато тушунчанинг мавжудлиги ҳам сабаб бўлади. Аслида сигарета чекиш натижасида мия қон томирлари бироз кенгаяди, холос. Чекувчида янги куч пайдо бўлгандек туюлади. Бу ҳолат қисқа фурсат давом этиб, бир неча дақиқалардан кейин миянинг кенгайган қон томирлари торайяди ва толиқиш ҳосил бўлади. Чарчоқни ёзиш учун эса яна чекиш зарурати туғилади...

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, чекиш дунёдаги ҳар ўн нафар одамнинг бирини ўлим сари «етакламоқда». Тамаки тутуни таркибида инсон саломатлиги учун зарарли моддалар мавжуд бўлиб, улардан айримлари ўта заҳарли ҳисобланади. Бу моддаларнинг бир қисми газ, иккинчи қисми эса қуруқ ҳолида бўлади. Папирос тутуни таркибида жуда оз миқдорда бўлсада мавжуд бўлган цианид кислота нафасни бўғиб, ўпка тўқималарига ҳалокатли таъсир қилади.

Тамаки тутунидаги қатрон канцероген модда бўлиб, маълум шароитда ўпка саратонини келтириб чиқаради. Ҳозирги вақтда бу касаллик тамаки чекувчиларда 15-20 марта кўп учраяпти. Ўпка саратони билан оғриган беморларнинг тўқсон беш фоизи кашандалар дейилса, муболаға бўлмайди

Мутахассисларнинг фикрича, узоқ йиллар чекиш натижасида тўқималардаги ўзгаришлар чуқурлашиб, инсоннинг турли хил касалликларга чидамлилиги пасаяди, нафас олиши бузилади. Бу ўпка касалликлари, айниқса ўпка сили келиб чиқишини тезлаштиради.

— Тамаки ички секреция безларига ёмон таъсир кўрсатади, — дейди Тошкент шаҳридаги 6-туғруқхона шифокори Лола Тошпўлатова. — Тамаки жинсий безларни ишдан чиқаради. Тамаки чекканда ҳосил бўладиган бензиприн сингари концероген моддалар ҳомиладор аёлларга, улар организмида ривожланаётган эмбрион тўқималарига, ўсаётган ҳомилага салбий кучли таъсир кўрсатиб, боланинг нуқсон билан туғилишига олиб келиши мумкин.

Тамакининг асорати, зарари ҳақида кўп гапириш, мисоллар келтириш мумкин. Дунёда чекиш туфайли ҳар саккиз сонияда бир киши ўлаётганини, тамаки туфайли ҳар йили тўрт миллион одам ҳаётдан барвақт кўз юмаётганини ҳисобга оладиган бўлсак бу заҳри қотил ҳақида қайта-қайта жиддий ўйлаб кўришимизга тўғри келади.

Юқорида айтганимиздек, чекишга баҳона-сабаб кўп бироқ, ундан қутулишни астойдил ният қилган одамга эса «сигаретадан воз кечаман» деган ягона ва қатъий қарор кифоя. Қолаверса, бундай ҳаётий зарур ва муҳим қарорни амалга ошириш инсондан кучли ирodани ҳам талаб этади.

*Бугун дунё матбуотида нодавлат ташкилотлар ҳақида кўп гапирилмоқда ва ёзилмоқда. Бинобарин, улар жамиятнинг муҳим институти сифатида кенг танилди. Лекин минг афсуски, нодавлат, айниқса, ўзини халқаро нодавлат деб таништираётган ташкилотлар орасида муайян сиёсий кучларга хизмат қилаётганлари ҳам йўқ эмас. Чунончи, шундай ташкилотлардан бири — «Freedom House» ҳақида газетамизнинг олдинги сонларида ҳам ҳикоя қилган эдик. Қуйида мазкур ташкилотнинг дунёнинг турли бурчакларида «амалга ошираётган қалтис ишлари» хусусида айрим лавҳалар келтирилади. Ўқиб, баҳосини ўзингиз беринг.*

# ТАРКИ ОДАТ — АМРИ МАҲОЛ

***Бошқаларнинг ички ишларига аралашишни ўзига касб қилиб олган «Freedom House» ташкилоти бу гал Арманистон ҳукуматини танқид остига олди, деб хабар тарқатди «Арминфо» ахборот агентлиги. Ташкилот маърузасида таъкидланишича, гўёки Арманистонда демократия, матбуот эркинлиги ва бошқарув соҳасида бирмунча ортга кетишлар содир бўлган эмиш. Сайлов жараёнлари, суд-ҳуқуқ тизими ва коррупция даражаси эса ўзгармаган. Натижада умумий ҳисоб бўйича Арманистоннинг рейтинги анча пасайган эмиш...***

«МАЪРУЗАЧИЛАР»нинг бир томонлама, субъектив хулосасига кўра, «Юқори сиёсий ва иқтисодий доираларнинг ўзаро чамбарчас бўлиб кетиши ошкора ва демократик давлат институтлари ташкил этилишига халақит берган, гўё турли сиёсий компаниялар натижаларига кўра жамиятда ҳукуматга бўлган ишончсизлик кучайган. Шунингдек, маърузада телевидение ва радио бўйича миллий комиссиянинг шаклланиш жараёни ва мазкур комиссиянинг иш услублари танқид қилинган. Маъруза муаллифлари томонидан Арманистон матбуоти яна эркин бўлмаган матбуот тоифасига киритилган, дейилади ахборот агентлиги шарҳида.

«Freedom House»нинг бундай баёнотлари бугунги кунда янгилик бўлмай қолди. Чунки мазкур ташкилот хулосалари холис ва



ҳаққоний эканига кўпчилик шубҳа билдирмоқда. Шундай экан, «Freedom House» Арманистонни «нишон»га олибдими, бунда бир гап... бор! Яъни, бошқача қилиб айтганда, «бу ерда ҳам уларга «нимадир» керак»... Нима ҳам дейиш мумкин: тарки одат — амри маҳол, деб шуни айтадилар-да!

# ИЗТИРОБЛИ ХУЛОСА

***2004 йилда Европа иттифоқига аъзо бўлган кўпчилик Шарқий Европа мамлакатларида, айниқса, Польшада демократия тамойилларига эътиқод сусая бошлади. «Freedom House» ташкилоти ўтказган тадқиқотлар натижаси ана шундан далолат бермоқда, деб хабар тарқатди Reuters агентлиги.***

АЙРИМ мамлакатларда, жумладан, Венгрияда иқтисодийислоҳотларнинг кескин тарзда амалга оширилиши демократик тамойилларнинг емирилишига олиб келди. Польшада эса консерватив ҳукумат иқтисодий ислоҳотларни тўхтатиб қўйди, деб таъкидланади ташкилот ўтказган тадқиқот хулосаларида.

Европа иттифоқига қўшилган 10 та мамлакатдан саккизтаси ҳанузгача демократияга ўтиш босқичида турибди. Тадқиқот ўтказган мутахассисларнинг фикрича, демократик тамойиллардан чекиниш айниқса Польшада кўзга яққол ташланмоқда экан. Бу ерда етакчилик қилаётган партиялар оммавий ахборот воситаларига босим кўрсатаяпти, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро ва суд тизимлари ўртасидаги муносабатларни ташкил этишда асосий қоидаларга риоя қилинмаяпти.

Бироқ айтиш лозимки, бу хулосаларни тайёрлашда демократия тамойиллари қандай мезонлар билан баҳолангани ва бошқа жараёнлар қандай кечгани кўпчиликка қоронғу. Лекин Шарқий Европа мамлакатларида демократия тамойилларига эътиқоднинг сусайиб бораётганини тан олиш, уни барчага ошкор этиш тадқиқот ўтказган ташкилот, хусусан, «Freedom House» учун нақадар аламли ва изтиробли бўлган бўлса ажаб эмас...

# ҚЎШНИНГ ТИНЧ — СЕН ТИНЧ

***Куни кеча Қозоғистон босма матбуот нашрларидан бири — «Мегаполис» газетаси қўлимга тушиб қолди. Турли-туман мақолалар орасида муштарийлардан бирининг ушбу газета таҳририятига йўллаган хати эътиборимни тортди. «Яқинда хизмат сафари билан Бишкек шаҳрида бўлдим. У ердан Ўш шаҳрига ҳам боришга тўғри келди, — деб ёзади мактуб эгаси. — Автобусда кетар эканман, йўл-йўлакай ёши 40 ларни қоралаган бир аёл билан суҳбатлашиб кетдим.***

МАЪЛУМ бўлишича, бу аёл Қирғизистондаги нодавлат ташкилотлардан бирининг раҳбари экан. Гап-сўз орасида ҳамроҳим ўз мамлакатидан қаттиқ «нолиди». Айниқса, юртидаги ҳозирги сиёсий аҳволни, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги вазиятни кескин танқид қилди. Ҳамроҳим шуларни баён этар экан, «инсон ҳуқуқлари масаласи ўзи яшаётган мамлакатда жуда чатоқлиги, халқаро конвенцияларга ҳеч ким риоя этмаслигидан» роса нолиди. Аввалига мен ҳам унга холис одам сифатида ачингандай бўлдим. Бироқ у сўз оҳангини ўзгартириб: «Сизларда яхши, халқаро ташкилотлар бор, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳурмат қилинади, аммо жин орада сизларга ҳам қийин бўлади», деганида бироз ҳушёр тортдим. «Нима учун?» деган саволимга жавобан у 2006 йилнинг ёзида халқаро ташкилотлардан бири семинар ўтказгани, унда ҳақ-ҳуқуқларни қай «тарзда» ҳимоя қилиш зарурлигини ўргатишгани ҳақида гапира кетди.

Маълум бўлишича, ўзларини «халқаро ташкилотлар вакиллари» деб атаган айрим кимсалар томонидан ўтказган тренинглар «Фуқароларнинг асосий эркинликлар ҳимоясидаги иштироки ва уларнинг адлияга дахлдорлиги» деб аталган ва бу машқларга Антонио Станга, Ива Добичина деган хорижлик шахслар модераторлик қилганлар. Мазкур семинарлар «сиёсий ҳокимият учун кураш олиб бориш услубларига» бағишланган. Суҳбатдошим бу тадбирлар аниқ мисоллар — Сербия Республикаси ва «Отпор» ёшлар ҳаракати ҳақидаги видеофильмлар, плакатлар ва бошқа кўргазмали «қуроллар» воситасида ўтказилганини сўзлаб берди.

Шунингдек, мазкур семинарда одамларга қандай таъсир кўрсатиш, улар эътиборини жалб этиш, алоқа ўрнатиш, қалтис вазиятларда оломонни, ихтилофларни бошқариш усуллари ва ҳоказолар хусусида сўз юритилган.



Суҳбатдошимнинг гапларидан донг қотиб қолдим: наҳотки, менинг мамлакатимда, қолаверса, Марказий Осиёда кимлардир қанақадир тўнтаришлар қилишни истаётган бўлса?! Улар ким, қанақа ташкилот аъзоси? Менинг бу саволларимга жавоб беришга суҳбатдошим анчагача унамади. «Сирни очиб қўйсак, бу ташкилотларнинг сири ёйилиб кетади», дея кўнмади. Лекин барибир мен бу жумбоқни ечишга ҳаракат қилдим. Ташкилотнинг номи «Freedom House» экан!

Бу Америка давлатига хизмат қилувчи, аммо ўзини «нодавлат» деб атаётган ташкилот Марказий Осиёда нима қилиб юрибди, ўзи? Эҳтимол, геосиёсий мақсадларни амалга ошириш, маълум давлатларнинг ташқи дунёга таъсир доирасини кучайтириш учундир. Бугун ҳеч кимга сир эмаски, Қўшма Штатларда ҳокимият ўзгарадими, ўрнига бошқа сиёсатчилар келадими барибир, уларнинг ҳаммаси «таниш» йўлдан кетаверадилар (Ироқ бунинг ёрқин мисоли).

Демак, «инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги» деган сўзлар улар учун фақат дабдабали шиор, баландпарвоз ҳайқириқлар экан-да! Аниқ-ки, ўзларини обрўли шахслар қилиб кўрсатишга интилаётган «халқаро ташкилотлар» вакиллари эса бошқаларнинг ички ишларига аралашув йўли билан муайян пинҳона режаларни амалга оширадилар».

Мазкур мактуб билан танишиб, ўйланиб қолдик. Халқимизда «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр» деган доно нақл бор. Бинобарин, қозоғистонлик муштарийнинг фикр-мулоҳазалари бизни ҳам бефарқ қолдирмаслиги лозим. Чунки бугун бир қатор — давлатларда сиёсий кучларнинг қўлида қурол бўлиб қолган турли нохолис нодавлат ташкилотларининг аралашуви билан сиёсий беқарорлик ҳукм сураётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Шу боис ҳам «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган мақол маъносини янада чуқурроқ англаб етишимиз шарт ва зарур.

**Интернет материаллари асосида Норбобо ШАКАРОВ тайёрлади.**

Спорт

# ТИМУРНИНГ ТЕМИР МУШТИ

***Ўзбек бокс мухлисларини хурсанд қиладиган яна бир ажойиб ғалаба қўлга киритилди.***

**Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,**

**«Жамият» мухбири**

СУПЕР оғир вазнли ҳамюртимиз Тимур Ибрагимов Германияда ўтказилган рейтинг жангларида Тимо Хоффманни (Германия) мағлуб этиб, ўзбек бокс довруғини яна бир карра дунёга намойиш этди.

Тимур ушбу жангда Келвин Брок ва Тони Томпсон билан бўлиб ўтган аввалги баҳслардагига нисбатан фаол ҳаракат қилди. Дастлабки раундларда тез-тез клинч ҳолатини юзага келтирган бўлсада, рақибига аниқ зарбалар йўллашда адашмади. Хофман эса унга қарши жиддий қаршилик кўрсата олмади. 10 раунд давом этган жанг якунида учала ҳакам бир овоздан: 97:93, 99:94 ва 98:92 ҳисобини қайд этиб, Тимур Ибрагимовни ғолиб деб топди.

Тимурнинг бу муваффақиятини жаҳон матбуоти, интернет саҳифалари Руслан Чагаев қўлга киритган буюк ғалабанинг давомидир, деб ҳақли равишда эътироф этмоқда.






***Ёз чилласи қирқ кун давом этади. Бу даврда қуёш кўкдан бамисоли олов пуркаб, даладаштни тандирдай қиздиради, ҳар томчи сув ўсимликлар учун чинакам оби ҳаётга айланади. Шу боисдан миришкор деҳқонлар чилла сувини тилла сувига тенглаштирадилар. Бинобарин, чилла сувидан қониб-қониб ичган экинлар ҳосилининг чўғи ҳам баланд ва салмоқли бўлиши табиий.***

***Гидрометеорология маркази маълумотига кўра, 29 июнь — 3 июль кунлари республикамизда ҳаво очиқ келади, ёғингарчилик кутилмайди.***

***Ғарб томондан эсаётган шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Баъзи жойларда шамолнинг тезлиги кучайиб, 15-20 метргача етиши ва чангтўзон кўтарилиши мумкин.***

***Ҳарорат кечалари 17-22, кундуз кунлари 32-37 даражани ташкил этади. Жанубда кечалари 20-25, кундузи 37-42 даража жазирама бўлади.***

***Тоғли ҳудудларда ҳаво булутланиб туради. Бугун айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши мумкин. 30 июнь — 3 июль кунлари ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбий шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 метр тезликда эсади, чанг-тўзон кўтарилади. Ҳарорат кечалари 13-18, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади.***

# КЕЙПТАУНДАН — ПЕКИНГА

***«Пекин—2008» Олимпия ўйинлари яқинлашган сари унга йўлланма берувчи халқаро мусобақалар тобора кўпроқ ташкил этилаяпти. Яқинда Ўзбекистон шоссе велопойга терма жамоаси аъзолари — Мурод Холмуродов ва Владимир Тўйчиевлар Пекин йўлланмасини қўлга киритиш учун Африка қитъасига — Кейптаун шаҳрида бўлиб ўтадиган В гуруҳига кирувчи мамлакатларнинг жаҳон чемпионатига жўнаб кетишди.***



ТОШКЕНТ вилояти трассалари бўйлаб ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида маҳоратларини оширган спортчилар 1 июль куни гуруҳ пойгаларида иштирок этишади. Жаҳон чемпионатида терма жамоамизга Италияда фаолият олиб бораётган яна бир легионеримиз Константин Волик ҳам қўшилади. Спортчиларимиз Ўзбекистонга Олимпия ўйинлари йўлланмаси билан қайтишади, деган умиддамиз.

Биласизми?

# ТИЛИМИ ТИЛ ЁРАДИ

***Саратон кириши билан полизларда ҳандалагу қовун иси димоққа гуп этиб урила бошлайди. Айниқса, тонг саҳарда полиз кезишнинг ўзгача гашти бор. Шу боис ҳам «Қовунни саҳарда емоқ кони фойда» деб бежиз айтишмаган.***

**Улуғбек БОБОЕВ**

МУТАХАССИСЛАРНИНГ маълумотларига кўра, қовун навларининг кўплиги, уларни етиштириш бўйича республикамиз жаҳонда биринчи ўринда турар экан.

Қовун таркибида 18 фоиз қанд, С (40 мг фоизгача), РР витаминлари, фолат кислотаси, гемицеллюлоза, микроэлементлардан: калий, кальций, темир, фосфор, натрийлар бор.

Қовуннинг талайгина шифобахш хусусиятларга эгалиги қадим замонлардан маълум ва машҳур.

Абу Али ибн Сино ўзининг шоҳ асари — «Тиб қонунлари» китобида: «... қовуннинг эти ва айниқса, уруғи етилтирувчи ва тозаловчидир... Терини тозалайди, айниқса, уруғи ва ичидаги бошқа нарсалар сепкил, доғ ва бошнинг кепакланишига фойда қилади... Қобиғи (пўчоғи) манглайга ёпиштирилса, кўзга тушадиган назлаларга тўсқинлик қилади... Қовуннинг етилгани ҳам, хоми ҳам пешоб ҳайдайди. Буйрак ва қовуқдаги майда тошлардан халос бўлишга ёрдам беради...», деб ёзади.

Халқ табобатида қовун паришонхотирликни, диққинафас, бод, беланги, сил, камқонлик, жигар ва буйрак касалликларини даволашда ҳам тавсия этилади.

Илмий тиббиётда беғубор қовунлар киши асабини тинчлантирувчи, подаграга даво, пешоб ҳайдовчи, ични юмшатувчи, бавосил азиятларига малҳамлик қилувчи восита сифатида тавсия этилади. Жигар, атеросклероз хасталикларига енгиллик берувчи манба сифатида ҳам ишлатилади.



Қовуннинг юрак, ўпка фаолиятига ижобий таъсири бор.

Олимлар қовун уруғининг сувли дамламаси пешоб ҳайдовчи беозор дори сифатида буйрак касали борларга енгиллик бериши ҳақида маълумотлар беришган.

Қовуннинг қайнатмасидан косметикада фойдаланиш мумкин. У юздаги доғ, сепкил ва ҳуснбузарларни кетказишга ёрдам беради.

**БОШ МУҲАРРИР**

Сирожиддин РАУПОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

Маъруфжон УСМОНОВ
Қиём НАЗАРОВ
Жамолиддин ҲАКИМОВ
Рифат САРБАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Норбобо ШАКАРОВ
Беҳзод ҲОТАМОВ
Нурали ШОДИЕВ

**МУАССИСЛАР**

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси
Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
"Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society" журнали

**НАВБАТЧИ МУҲАРРИР**

Абдували ҚУТБИДДИНОВ

**ДИЗАЙНЕР**

Ҳабибжон БОЛТАЕВ

**НАВБАТЧИ**

Нурали ШОДИЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41.
Буюртма рақами Г-536
Адади: 8018
Газета "Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society" журналининг ҳафталик иловаси.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-уй.
Маълумот учун телефонлар: 132-60-98, 132-60-74.
Электрон почта:
info@jamiyatgzt.uz
jamiat@mail.ru
«Жамият» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Ⓣ — тижорат белгиси
Топшириш вақти: 20.00
Топширилган вақти:00.00


NEW!
WAP.MTS.UZ
Барча янгилик ва кўнгилочар хизматлар сизнинг телефонингизда!
БУГУН
Валюта курси
Об-ҳаво
Гороскоп
MTC-NEWS
Компания янгиликлари
Хизматлар
Алоқа
Тарифлар
ФОЙДАЛИ САҲИФАЛАР
МТС СИЗНИНГ ТЕЛЕФОНИНГИЗ УЧУН
Мусиқалар
Расмлар
Видео
Мобил мавзулар
Java-ўйинлар
МТС СИЗ УЧУН
Тостлар
Тушлар таъбири
Биоритмлар
Афоризмлар
Батафсил маълумот:
Моб.: 0890, Тел.:(+998 97) 130 09 09, 131 09 09, 103 09 09
www.mts.uz
Хизматлар лицензияланган
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Уздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади
МТС